БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 5 (7452)
7 ЯНВАРЬ
ШАНБА
1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Узбекистон ССР нинг 25 йиллигини меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар блан кутиб оламиз (1-нчи бет).
Совет Иттифоқида (1-нчи бет).
Сон-саноқсиз табриклар (2-нчи бет).
УЗБЕКИСТОН ССР нинг 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН. — Ж. Хўжаев. — Узбекистон Касаба союзлари социалистик қурилишнинг янги ғалабалари учун курашда (2-нчи бет).
Республикамизнинг шонли юбилейига муносиб совғалар. — Ж. Хоназаров. — Бўка райони юксалишда (3-нчи бет).
М. Жўраев. — Чирчиқ электрохимия комбинати (3-нчи бет).
С. Отажонов. — Сталинчилар (3-нчи бет).
Халқ демократияси мамлакатларида (4-нчи бет).
Польша ҳукуматининг Франция ҳукуматига нотаси (4-нчи бет).
Мисрда парламент сайлови (4-нчи бет).

Даромад тақсимотини намунали ўтказайлик

Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижасида ва Ленин—Сталин партиясининг бевосита раҳбарлиги туфайли мамлакатимизда колхоз тузуми тўла ғалаба қозонди. Кўп миллионли деҳқонлар оммасининг ҳаёти тубдан ўзгарди. Социалистик қишлоқ хўжалигимиз янги техника блан қуролланди, деҳқончиликда совет илғор агротехникасини қўлланиш кенг амалга оширилди. Большевиклар партиясининг, Совет ҳукуматининг ва шахсан улуғ доҳимиз ўртоқ Сталининг колхозчи деҳқонларимиз ҳақида қилаётган кундалик ғамхўрлиги ва ёрдами орқасида колхозларнинг жамоат бойлиги тобора ошмоқда, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосили мисли кўрилмаган даражада юқорига кўтарилмоқда.

«Колхозчи деҳқонлар улуғ Сталин раҳбарлиги остида ажойиб йўлни босиб ўтдилар, колхоз тузуми эса қишлоқ хўжалигидаги аҳволни тубдан ўзгартирди: қишлоқнинг қиёфаси ўзгарди, қишлоқдаги одамлар ўзгарди, колхозларда меҳнат унуми эски Россиянинг деҳқон хўжалигидагига қарагандагина эмас, ҳатто ҳарбир капиталистик мамлакатидагига қараганда ҳам мисли кўрилмаган даражада ошди...». (А. Андреев).

Сталинча колхоз тузумининг қудратли ғалабаси натижасида колхозларимиз жамоат бойлигини оширишда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар, колхоз хўжалигининг маҳсулотлари қартарафлама ўсмоқда. Далачилик ва чорвачилик блан бир қаторда боғдорчилик, сабзавотчилик ва бошқа ҳархил ёрдамчи хўжаликлар кенг ривожланмоқда. Мана булар колхозларда жамоат мол-мулкини борган сари кўпайтирмоқда. Колхозлардаги бўлинмас фондлар 1939 йилдагига нисбатан деярли икки баравар кўпайганлиги колхоз тузумининг катта ғалабага эришганлигини яққол кўрсатади.

Узбекистон пахтакорлари Совет ҳокимияти йилларида большевиклар партиясининг сталинча раҳбарлигида ва колхоз қишлоғининг асосий қонуни—қишлоқ хўжалик артели Уставига амал қилиб социалистик қишлоқ хўжалигини яшнатиш, айниқса пахтачиликни ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятларга эришдилар. Колхозчиларимизнинг етиштирган мўл пахта ҳосили колхозларнинг жамоат бойлигини мисли кўрилмаган даражада оширди.

Доҳимиз ўртоқ Сталининг ташаббуси блан СССР Министрлар Советининг 1949 йил 4 февральда «Колхоз ва совхозларда пахтачиликни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарори пахтакорларимизнинг моддий фаровонлигини янада оширишда жуда катта омил бўлди. Пахтакорларимиз ҳақида сталинча ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлган бу қарорда яқин йиллар ичида мамлакатда пахта етиштиришни икки баравар ошириш кўзда тутилиши блан бирга колхозчиларни пахтадан юқори ҳосил олишга ва колхозларнинг экономикасини мустаҳкамлашга рағбатлантирадиган бирқанча муҳим тадбирлар белгиланди. Шу мақсада, ғайёрланган пахтанинг нархи 1949 йилдан бошлаб икки баравар оширилди. Колхозлар пахта экилган ерлар учун давлатга чорвачилик маҳсулотлари топшириш мажбуриятидан озод қилинадилар. 1950 йилдан бошлаб пахтакор колхозлар суғорилмаган ҳамма ерлар учун давлатга ғалла топшириш (шолидан ташқари) мажбуриятидан ҳам озод қилинадилар.

Пахтакорларимиз ўртоқ Сталининг ана шу ғамхўрлигига жавобан 1949 йилда фидокорона меҳнат қилиб мўл ҳосил етиштирдилар. Илғор районлар, мингларча колхоз, бригада ва звеноларнинг ўз устларига олган мажбуриятларини анча ошириб бажардилар. Республикамизда ҳозиргача энг юқори ҳосилли деб ҳисобланган 1941 йилдагига қараганда анча кўп пахта топширилди. Узбекистон колхозлари давлатга топширилган пахта учун ҳозирданоқ бирпеча миллиард сўм пул, шу жумладан 750 миллион сўм устама мукофот олдилар. Фарғона область Тошлоқ районидаги Сталин номли колхоз 1949 йилда ҳаммаси бўлиб 8 миллион 792 минг сўм, шу жумладан пахтачиликдан 5 миллион 790 минг сўм даромад қилди. Колхозчиларнинг ҳарбир меҳнат кунига 20 сўмдан пул, 2 ярим килограммдан ғалла тақсимланади. Колхозчи ўртоқ Камол Ёқубовнинг хўжалиги ўтган йилги меҳнати учун 34 минг сўмдан ортиқ пул, 4.368 килограмм ғалла, 40 килограмм ёғ ва бошқа нарсалар олади. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Ҳозир республикамизнинг партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органлари олдида 1949 қишлоқ хўжалик йилини якунлаш, колхозларда йиллик ҳисобот тузиш ва даромадни тақсимлашдек муҳим хўжалик ва сиёсий вазифа турипти. Йиллик ҳисобот колхознинг молия хўжалик аҳволини, унинг иш фаолиятини, хўжалик планлари, давлат мажбуриятлари, кирим-чиқим сметалари ва шу каби ишларни бажаришдаги ютуқ ва камчиликларни тўла акс эттириши керак. Колхозчилар ўзларининг умумий йиғилишларида правлениенинг йиллик ҳисоботини муҳокама қилиб, унинг ишидаги камчиликларни битириш ва колхоз хўжалигининг барча тармоғини янада юксалтириш тадбирларини белгилаб чиқадилар. Шунинг учун ҳам колхоз правленилари бу йиғилишга пухта тайёрланишлари ва уни намунали ўтказишлари керак.

Ўтган қишлоқ хўжалик йили тугалланиб янги йил бошланди. Амо, республикамизнинг деярлик ҳамма область ва районларида колхозларнинг йиллик ҳисоботини тузиш, даромад тақсимотини ўтказиш ишлари ниҳоятда суст бораётир. Колхозларнинг мол-мулкларини, колхозчиларнинг меҳнатларини, етиштирилган ҳосилни звеноларнинг бўйича ҳисоблаб чиқиш, кирим-чиқим дафтарларини текшириб якунлаш каби ишлар ҳали оммавий равишда бошлаб юборилгани йўқ. Масалан: Самарқанд областининг Оқдарё ва Пастдарғом районларида шу пайтгача йиллик ҳисобота тайёрлик кўришга киришилмаган. Оқдарё районидаги «Қаҳрамон», «Октябрь» ва «Коммунист» колхозларида тафтиш комиссиялари правлениенинг йиллик ҳисоботини ҳали текшириб кўрган эмаслар. Кўпчилик районларда юз бераётган бундай аҳвол инвентаризация ўтказиш, қарзларни ундириш, колхозларнинг ма'мурий идора аппаратини тартибга солиш, жамоат мол-мулкини сақлаш ишларида ўтган йиллардаги хатоларнинг яна такрорланишига сабаб бўлади.

Маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг энг муҳим вазифаларидан бири колхозларда йиллик ҳисобот ва даромад тақсимотини қишлоқ хўжалик артелининг сталинча Устави асосида, СССР Министрлар Советининг 1948 йил 19 апрельда «Колхозларда меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, меҳнат унумини ошириш ва меҳнат ҳақи тўлашни тартибга солиш чоралари тўғрисида» деб чиқарган қарори асосида ўтказилишини та'минлашдан иборатдир. Шу қарор асосида колхозчиларнинг меҳнатига, уларнинг етиштирган ҳосилига қараб ҳақ тўлашга қаттиқ риоя қилиш, меҳнат кунларини талон-торож қилишга йўл қўймослик, колхозларнинг дебитор қарзларини тўла ундириш, бўлинмас фондга тегишли маблағ ажратиш лозим.

Йиллик ҳисобот йиғилишлари танқид ва ўз-ўзини танқид асосида ўтказилиши, ҳисобот ва даромад тақсимоти қанчалик тўғри тузилганлиги кенг муҳокама қилиниши, колхоз правленилерининг йиллик иш фаолиятига баҳо берилиши керак. Шу блан бирга ҳисобот йиғилишларида 1950 йил планлари муҳокама қилиниб тасдиқланиши ва бу планларнинг амалга оширилиши юзасидан зарур тадбирлар белгиланиши лозим. Қишлоқдаги партия ташкилотлари коммунист ва комсомоллар колхозларда ҳисобот йиғилишлари ва даромад тақсимотини намунали ўтказишга бошчилик қилишлари, колхозчилар оммасининг 1950 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экиларидан яна ҳам мўл ҳосил етиштириш учун кўкламга тайёрлик юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган барча тадбирларни ўз вақтида бажаришга сафарбар этишлари керак.

Олимлар пахта экиш учун янги ерларни ўзлаштиришга ёрдам бермоқдалар

СССР Фанлар академиясининг президиумида

5 январьда академик С. И. Вавилов раислигида СССР Фанлар академияси президиумининг мажлиси бўлди. СССР Фанлар академияси ҳузуридаги Ишлабчиқариш кучларини ўрганучи Кенгаш томонидан ташкил этилган Орол—Каспий комплекс экспедициясининг иш якунларини ва истиқболларини муҳокама қилишга алоҳида а'тибор берилди.

Амударёё ва Сирдарёё ҳавзаларида пахтачиликни ривожлантириш йўллари тўғрисида экспедиция бошлиғи П. А. Летунов доклад қилди.

Докладчи агротехниканинг энг янги усуллари блан мувофиқлаштириб олиб борилган ҳолда пахтачиликни комплекс машиналаштириш соҳасидаги қимматли тажрибаларга тўхталди. Ширик «Пахтаорол» совхозида ўтказилган бу тажриба ҳатто илғор колхоз ва совхозларга нисбатан ҳам пахта ҳосилини анча ошириш ва меҳнат унумини 2—3 марта ортдириш мумкин эканлигини кўрсатди.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда академиклардан И. П. Бардин, Т. Д. Лисенко, А. В. Топчиев, Г. М. Кржижановский, А. А. Григорьев, С. Г. Струмилин, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти Т. А. Сарымсоқов, профессор В. А. Ковда ва бошқалар гапирдилар.

Фанлар академиясининг президиуми Ўрта Осиёдаги ер ва сув ресурсларидан СССР нинг пахта базасини кенгайтириш учун комплекс фойдаланиш гоят катта халқ хўжалик аҳамиятига эга эканлигини қайд қилиб, 1950 йилда Орол—Каспий комплекс экспедициясининг иш фаолиятини кенгайтиришга қарор қилди. (ТАСС).

Узбекистон ССР 25 йиллигини меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар блан кутиб оламиз

Сталин номидаги Тошкент Тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Муаззам Эргозиева сменя топширигини 132 процентга етказиб бажармоқда. Суратда: ўртоқ Муаззам Эргозиева иш устида.

Н. Рядов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

АНДИЖОН ГАЗИ

АНДИЖОН, 6 январь. («Қизил Узбекистон» мухбиридан). Андижонлилар ўзларининг гўзал водилари, етиштирадиган мўл пахталари, нефть конлари, саноат корхоналари блан бирқаторда колхоз қишлоқларига, завод, фабрикаларга, мактаб, касалхона ва хонадонларга ҳуси бўлиб тушган Андижон гази блан ҳам фахрланадилар.

1944 йилда совет қўшинлари немис босқинчиларни Ватанимиз тупроғидан ҳайдаб чиқариб, фашистлар Германиясининг ичкарисига қараб қувиб бораётган вақтда ўртоқ Сталининг топшириги блан бу ерда янги нефть вишкалари қад кўтарди. Ер остидаги битмас-туганмас газ бойликларини халқ хўжалигини тиклаш ишига хизмат этдириш масаласи ҳал этилди.

Ана шундан буён беш йил ўтди. Қисқа вақт ичида Андижон газининг тармоқлари кенг адрлар, пахта далалари бўйлаб ер остидаги магистраллар орқали Андижон, Ленин шаҳарларига, колхоз қишлоқларига қараб қулоч отди. Биринчи навбатда Андижондаги консерва заводи, пиво заводи, нон заводи, ҳаммом, ўнлаб турар жойлар, бирпеча колхозлар—ҳаммаси бўлиб 200 дан ошиқ корхона-муассасалар газлаштирилди. Газ туфайли саноат корхоналарининг маҳсулот ишлабчиқариши кенгайтирилди. Колхозчилар ўз қишлоқларини обод қилиш учун газ ёрдами блан пахта қуритадиган сушилкалар, ғишт, оҳак пиширадиган хумдонлар қурдилар, шишадан ҳархил хўжалик буюмлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар.

Андижонда газ бойлиги битмас-туганмасдир. Газ тармоқлари кундан-кун кенгайиб бормоқда. Сўнгги бир йил ичида Андижон шаҳрининг ўзида 19 ерда пахта қуритадиган катта сушилка, 19 саноат корхонаси, 24 касалхона ва бошқа тиббий пунктлар, 11 мактаб, 10 га яқин маданий муассасалар, кино-театрлар, 300 га яқин йирик коммунал хўжалик уйлари ва кўп хонадонларга газ туширилди.

Газдан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш шаҳар экономикасини ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда. Биргина Андижон шаҳрининг ўзида газ туфайли ҳар йили 30 минг тоннадан ортиқ ёқилғи тежалмоқда.

Республикамизнинг шонли 25 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги кунларда Андижондаги ҳарбир кишининг қалби ўз шаҳарлари, колхоз қишлоқларини обод ва малаҳатли қилишда тинмай ғамхўрлик қилаётган шонли большевиклар партиясига, Совет ҳукуматига ва шахсан улуғ устозимиз ўртоқ Сталинга чексиз миннатдорчилик изҳор қилиш блан тўлиб-тошгандир.

А. ҲАМДАМОВ.



Тошкентдаги 1-нчи пойафзал фабрикасининг стахановчиси ўртоқ М. П. Чигирев Енгил саноат министрлигига қарашли корхоналардаги етакчи касбларнинг Бутун Иттифоқ социалистик мусобақасида иккинчи ўринни олди. Суратда: ўртоқ М. П. Чигирев иш устида.

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ДЗЕРЖИНСКИЙ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ ИЛҒОР ЗВЕНОЛАРИ

АНДИЖОН, 6 январь. («Қизил Узбекистон» мухбиридан). Андижон районидаги Дзержинский номли колхоз а'золари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Колхознинг илғор бригада ва звенолари республикамизнинг 25 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақада ғолиб чиқдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Умарали Ботиров бошлиқ звено а'золари 6,3 гектар ернинг ҳар гектаридан 87 центнердан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ҳожибой Омонбоев бошлиқ звено 85 центнердан пахта топширдилар. Шунингдек колхознинг ўртоқ Шерқўзиев бошлиқ звеноси 85 центнердан, ўртоқ Муҳиддинов бошлиқ звено а'золари 84 центнердан пахта бердилар.

Бу илғор звеноларнинг а'золари республикамизнинг 25 йиллик юбилейи кунигача даладаги барча ҳосилни нобуд қилмай йиғиштириб олиб, барча ерларни ғўзапоядан тозалаш ва бу йил пахталар мўл ҳосил етиштириш учун кўкламга тайёрлик ишларини ҳозирданоқ кучайтириб юбордилар.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН ЛЕКЦИЯ ВА СУҲБАТЛАР

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи жамиятнинг Фарғона область бўлими шаҳар ва қишлоқларда Узбекистон ССР нинг 25 йиллигига бағишланган турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказмоқда.

Жамиятнинг ҳақиқий а'золаридан Мирочник, Гуртовенко, Мусаев, Арабоев ва Фармонов ўртоқлар Охунбобоев, Фарғона, Водил ва Қува районларидаги бирнеча колхозларда «Туркистонда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси», «Узбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил этилиши», «Узбекистон—Шарқда социализм маш'али» деган ва бошқа темаларда 40 дан ортиқ лекция ўқидилар. Бу лекцияларни бирқанча минг колхозчи тингади.

Т. МАҲМУДОВ.

УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ НОМИДАГИ ПАРОВОЗ КОЛОННАЛАРИ

САМАРҚАНД. («Қизил Узбекистон» мухбиридан). Самарқанд паровоз депосида Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги номида 2 паровоз колоннаси тузилди. Машинистлардан Арюткин ва Демакин бошлиқ бўлган бу паровоз колонналарига қўшилган 20 машинист юбилей шарафига паровозларнинг бир кечаю-кундузда 500 километр йўл босишига эришиш мажбуриятини олдилар.

Узбекистон ССР 25 йиллиги номидаги колоннага қўшилган машинистлардан Сергеев, Сторожев ва бошқа ўртоқлар техника тезлигини анча ошириб, поездларни тез олиб бормоқдалар.

Машинистлардан Шербаков, Питкачев, Макаровлар оғир юкли поездларни мудлатидан илгари манзилга етказмоқдалар.

КОЛХОЗЛАР ВА САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА АДАБИЙ КЕЧАЛАР

Тошкент ёзучилари ва шоирларидан бир гуруҳи республиканинг районларига жўнаб кетди. Ёзучилар бирқанча колхозларда Узбекистон ССРнинг 25 йиллигига бағишланган адабий кечалар ўтказадилар, ўзбек совет адабиётининг ривожланиши ҳақида докладлар қиладилар, Узбекистон ёзучиларининг ижоди ҳақида пахтакорларга сўзлаб берадилар, янги асарларини ўқийдилар.

Узбекистон Совет ёзучилари союзининг правлениеси Тошкент ва Чирчиқдаги йирик саноат корхоналарида республиканинг юбилейига бағишланган адабий кечалар ўтказишга қарор қилди. (ЎзТАГ).

ПОЙАФЗАЛЧИЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Тошкентдаги биринчи пойафзал фабрикасининг коллективи республика юбилейи шарафига стахановча ишлаб, янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Коллектив икки кун ичида пландан ташқари 500 жуфт пойафзал ишлаб чиқарди. Ўртоқ Нажмиддинов раҳбарлигидаги участка икки кунлик топшириқни 125 процент бажариб, мусобақада биринчи ўринни эгаллади.

Бичиш, қолипга тортиш ва тикиш цехларининг коллективлари ҳам ишлабчиқариш программасини ошириб бажардилар.

Кўпгина пойафзалчилар шу кунларда меҳнат унумини анча оширишга муваффақ бўлмоқдалар. Қолиплаш цехида Адҳамов, стахановчи Муборак Исҳоқова ва бошқалар ҳар сменада икки нормадан бажармоқдалар. Таг чарм кесучи доигдор стахановчи Убай Раҳматуллаев икки кунда 50 дециметр чарм тежади.

Бу йил маҳсулотнинг ҳамма турларини ишлаш узлуксиз поток усулига кўчирилади. Бу тадбир ўтган йилга қараганда 12 процент ортиқ пойафзал ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Ш. АЙРАПЕТЯНЦ.

Совет Иттифоқида

Киев областининг меҳнаткашлари Ленин кунларига тайёрланмоқдалар

КИЕВ. (ТАСС). Областнинг қишлоқ ва районларидаги меҳнаткашлар большевиклар партиясининг ва дун'ёдаги биринчи социалистик давлатнинг асосчиси В. И. Ленин вафот этган кунинг 26 йиллигини нишонлашга тайёрланмоқдалар. Васильков, Умань ва бошқа район марказларида В. И. Ленинга бағишланган виставкалар ҳозирланмоқда.

Лисянск районидаги Хижнец қишлоғининг агитколлективи колхозчилар учун Владимир Ильичнинг ҳаёти ва революцион фаолияти тўғрисида лекция уюштирди. Қишлоқ кутубхонасида фотосурамлар виставкаси очилди.

«В. И. Ленин ва И. В.Сталин ғоялари коммунизм йўлини ёритмоқда» деган темада Шполянск районининг корхона ва колхозларида 149 лектор лекция ўқимоқда.

Пландан ташқари газлама

ОРЕХОВО-ЗУЕВО. (Москва области). (ТАСС). Орехово-Зуево тўқимачилари ўтган йили планни муддатидан илгари бажариб, янги йилда ғайрат блан ишга киришдилар.

2 январьда одеал фабрикаси оширилган смена топшириғини йиғириш бўйича 4,7 процент ва тўқув бўйича 6 процент ошириб бажарди. Подгорная йиғирув-тўқув фабрикаси бир кунлик иш ишлаб чиқариш топшириғини 104,3 процент адо этди.

Николаева номидаги Орехово газлама комбинатида қарашли ҳар учала тўқув фабрикаси ҳам газлама тўқиш сур'атини анча оширмоқда.

Суратда: Сталино область, Константиновск районидаги Ново-Калиново қишлоғида янгидан қурилган клуб биносининг умумий кўриниши.

С. Гендельман фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

КИРГИЗИСТОН ЁЗУЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ПЛАНЛАРИ

ФРУНЗЕ. (ТАСС). Киргизистон Совет ёзучилари союзи правлениеси раисининг ўринбосари Темирқул Усталиев ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди:

— Республиканинг ёзучилари ҳозирги замон темасида киргиз халқининг қаҳрамонона ижодий меҳнатини акс эттирувчи янги асарлар ёзмоқдалар. Ёзучи Қосимали Баялинов «Бахт» повестининг иккинчи китобини ёзиб бўлди. Бу повестьнинг биринчи қисмига юксак баҳо берилган эди. Сталин мукофоти лауреати Тугелбой Сидикбеков Киргизистон колхозларининг урушдан кейинги ҳаёти тўғрисидаги янги романни тамомлай деб қолди. Бу роман авторнинг «Замонамиз кишилари» номли машҳур асарининг давомидир. Ёзучи Қосимали Жонтошев ёш колхоз чорвадорлари ҳаётидан олинган романи, Абдиҳамитов совет врачларининг иши ҳақидаги пьесани тамомламоқдалар.

Ёзучи Абдуқайномов киргиз совет интеллигенциясининг меҳнати ҳақидаги опера либреттосини ёзди. Киргизистон халқ шоири Али Тўқимбоев отоқли киргиз оқини Тўхтагул Сотилганов ҳақидаги биографик романнинг биринчи китобини бу йил ёзиб тамомлайди. Киргиз шоирлари янги шеърлар ёзмоқдалар.

Чорвачиликни ривожлантириш ҳақидаги уч йиллик план бажарилмоқда

СМОЛЕНСК. (ТАСС). «Коминтерн» совхозининг чорвадорлари янги йилни муваффақиятли бошладилар. Улар ўтган йили чорвачиликни ривожлантириш ва чорва молларининг маҳсулдорлигини оширишни топшириғини ортиғи блан бажардилар.

Чорвадорлар фермаларни машиналаштириб, молларни яхши боқиб, сут соғишни 25 процент кўпайтирдилар. Соғим сигирларнинг ҳаммаси кўп сут бермоқда. «Коминтерн» совхозида ҳар сигирдан ўрта ҳисоб блан 5.002 килограмм сут соғилиб, мажбурият ошиғи блан бажарилди. Совхоз мамлакатга пландан ташқари 150 тонна сут берди.

Совхознинг чорвадорлари янги йилда ҳар сигирдан 5.500 килограмм сут соғиш ва чорва молларининг маҳсулдорлиги жиҳатидан учйиллик планда 1951 йилнинг охирига белгиланган даражага етиш мажбуриятини олдилар.

Туркманистонда дала ишлари

АШХАБОД. (ТАСС). Туркманистонда кунлар исиб кетди. Ўрта кўкламги дала ишлари авж олмоқда. Пахтакорлар чигит экишга тайёрланмоқдалар. Миргоб, Амударёё ва Ашхабод областининг районларида кўкламги ер ҳайдаш бошланди. Юзларча тракторлар далага чиқаридли.

Бу йил республикада пахта майдони бирнеча минг гектарга кенгайтирилади. Маҳаллий ва минерал ўғитлар далаларга чиқарилиб, ерлар текисланмоқда, ариқ-зовурлар тартибга келтирилмоқда.

Сон-саноқсиз табриклар

Ўртоқ И. В. Сталин 70 ёшга тўлган кун муносабати блан Совет Иттифоқининг ҳамма жойларидан, партия, совет ва турли жамоат ташкилотларидан, корхона коллективларидан, колхоз, муассаса ва ўқув юртларидан, ҳарбий қисмлардан ва айрим совет гражданларидан, шунингдек чет эллардан сон-саноқсиз табриклар олинмоқда.

Ўртоқ Сталинга соғ-саломатлик ва узоқ йиллар умр тилаб, самимий истакларини изҳор қилиб, қуйидаги ташкилотлар табрикномалар юборганлар:

Красногорск оптика-механика заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

В. М. Молотов номидаги босмахона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Москабель» заводининг ишчилари, хизматчилари, инженер-техник ходимлари;

«Капитан Гастелло» теплоходининг экипажи;

СССР Ёғоч ва қоғоз саноати министрлигининг ходимлари;

СССР Савдо министрлигининг ходимлари;

СССР Денгиз флоти министрлигининг ходимлари;

М. В. Фрунзе номидаги Дорогомилов химия заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Ленинградлаги Монетний двор ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

Ленин номидаги Баранов чинни заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

«Курскстрой» трестининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Тамбовдаги «Революционный труд» электр-машинасозлик заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари;

Уфа газлама комбинатининг ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари коллективи;

СССР Станкосозлик министрлигига қарашли Таганрог «Вперед» заводининг станоксозчилари, инженер техник-ходимлари ва хизматчилари;

Ленинградлаги «Пролетарий» изолятор заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Ростов-Дон шаҳридаги «Возрождение» заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

Шимолий Кавказ темир йўли Ставрополь бўлимининг ишчилари, инженерлари ва техниклари;

Аргентинадаги совет колониясининг а'золари;

Анқарадаги совет муассасаларининг ходимлари;

Чехословакиядаги совет элчихонаси ходимларининг коллективи;

Бошқирдистон АССР Макаров район партия конференциясининг вакиллари;

Куйбишев область, Пестравск районидаги Мостов бошланғич мактабининг ўқучилари ва ўқитучилари;

Бодайбо шаҳридаги 1-нчи совет мактаби пионерлар дружинасининг йиғилиши;

ВЛКСМ Кабарда область комитети;

Архангельск шаҳридаги Ломоносов районининг комсомоллари, пионерлари ва ёшлари;

Пенза область, Валин районидаги Рахмалов еттийиллик мактабининг комсомоллари, пионерлари ва ўқучилари;

Коми АССРдаги Интин ўрта мактабининг капитан Гастелло номли пионерлар отряди;

Красноярск шаҳридаги Крайкоопин союзга қарашли «Химтруд» артелида бирлашган Ватан уруши инвалидлари ва меҳнат инвалидлари;

СССР Центросоюз правлениеси;

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўрмончилик Бош Бошқармасининг ходимлари;

Бурят—Мўғулистон АССР Тарбагатай районидаги Большие Куналийский МТСнинг трактўрчилари, комбайнчилари ва хизматчилари коллективи;

Галлачилик Бутун Иттифоқ илмий-текшириш институтининг илмий ходимлари, ишчилари ва хизматчилари;

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва РСФСР Қишлоқ хўжалик министрлиги ходимлари;

Латвия ССР Даугавпилс уезд Лексней волостидаги Ворошилов номли колхознинг а'золари;

Курган область, Частоозерск район Лиханова қишлоғининг комсомоллари ва ёшлари;

Олтой ўлкаси Шипунов районидаги Молотов номли колхознинг а'золари;

Новосибирск областидаги Андреев МТСнинг ишчи ва хизматчилари коллективи;

Инск область, Лунинец район Бостини қишлоқ советидаги «Путь Ленина» колхозининг а'золари;

Толдиқўрғон область, Қоратол районидаги Сталин номли колхознинг а'золари;

Сталинград область, Еланск районидаги Морепк МТСнинг ишчилари, хизматчилари, трактўрчилари ва комбайнчилари коллективи;

ССР Иттифоқи Давлат контроли министрлигининг ходимлари;

Горна Оряховица станциясидаги Киро Копаров номли давлат фабрикасининг ходимлари, Булгория;

Венгриядаги Обуда газлама саноати комбинатининг меҳнаткашлари;

Чехословакиядаги Слани йиғирув заводининг ишчи ва хизматчилари;

Булгориядаги «Надежда» ТЭЦ корхоналари ва Г. Димитров номли тўқимачилик фабрикасининг ишчилари, хизматчилари, ма'мурий-инженер-техник ходимлари;

Орадь шаҳридаги «Биринчи май» мўйна фабрикасининг ишчи ёшлари, Румония;

Давлат савдо корхоналари ва магазинларининг миллий конференцияси, Булгория;

Польшадаги Орел чинни фабрикасининг ходимлари;

Ишеворск шаҳридаги поляк темир йўлчилари касаба союзи, Польша;

Польшадаги Видгош ғишт заводи ишчиларининг коллективи;

Констанца уездидаги кон корхоналарининг ишчилари, техника ходимлари ва ма'мурий хизматчилари, Румония;

Дечиндаги Илов қоғоз заводларининг ишчи ва хизматчилари, Чехословакия;

Бельско шаҳридаги зигир толаси саноати давлат корхоналарининг ишчилари, Польша;

Катовица шаҳридаги ойна заводининг коллективи, Польша;

Мост шаҳридаги Сталин номли заводнинг ишчилари, Чехословакия;

15.000 ўрмон ишчиси вакиллари йиғилишининг қатнашчилари, Варшава шаҳри;

Шюкешд қишлоқ хўжалик кооперативининг а'золари, Венгрия;

Банрқля Ставница шаҳридаги бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативининг а'золари, Чехословакия;

Чехословакия Давлат машина станциялари бошқармасининг ишчилари ва хизматчилари коллективи, Прага шаҳри;

Бордеев шаҳридаги Гертник бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативи а'золари, Чехословакия;

Меҳнат Кооператив Қишлоқ хўжаликларининг бригада бошлиқлари, Булгория;

Феррара шаҳри Меҳнат Палатасида бирлашган касаба союзларининг 180.000 а'зоси, Италия;

Бупа химия заводларининг 17.500 меҳнаткаши, Германия;

Мирафиоридаги Фиат заводининг ишчилари, Турин, Италия;

Гельцау комбинатининг меҳнаткашлари, Германия;

1-нчи Сименс-Шуккерт заводининг ишчилари ва хизматчилари, Вена, Австрия;

Ильва-Баньоли заводининг меҳнаткашлари, Неаполь, Италия;

Форстлауэнтц шаҳрининг полиграфчилари, Германия;

Машинасозлар Бирлашган касаба союзининг Уэллхолл бўлими, Лондон;

Боллен шаҳридаги керамика корхоналарининг ишчилари, Франция;

Нейзидльамзе трубопрокат заводининг касаба союзи, Германия;

Лондон машинасозлар Шимолий Вулвич бирлашган союзининг а'золари;

«Виен Лизинг» алюминий эритмалари заводининг ишчилари коллективи, Вена, Австрия;

Розенталь целлюлоза-қоғоз фабрикасининг ишчи ва хизматчилари, Германия;

«Австрофиат» корхоналарининг ишчи ва хизматчилари, Вена, Австрия;

Бад Теннштед қоғоз фабрикасининг коллективи, Германия;

Электр қувватини тақсимлаш Бош Бошқармаси коллективининг 577 а'зоси, Хеммнц, Германия;

Котбус шаҳридаги халқ корхоналари бирлашмасига қарашли тўқув-йигирув корхонасининг 16 минг меҳнаткаши, Германия.

Жазоир Коммунистлар партиясининг Марказий комитети;

Уругвой Коммунистлар партиясининг Ижроия Комитети;

Виктория штати Коммунистлар партиясининг комитети, Австралия;

Огайо штатининг Коммунистлар ташкилоти, Америка Қўшма Штатлари;

Германия Коммунистлар партиясининг Бавария ташкилоти;

Слоген Коммунистлар ташкилоти, Норвегия;

Алабама штатининг Коммунистлар ташкилоти, Америка Қўшма Штатлари;

Италия Коммунистлар партиясининг Неаполитания федерацияси;

Англия Коммунистлар партиясининг Ланкашир ва Чешир ташкилоти;

Сант-Яго вилоятининг халқ-социалистик ташкилоти, Куба;

Ослоги тош йўнучилар, ер қазучилар ва цемент ишчилари Коммунистлар ташкилоти, Норвегия;

Вьетнам ёшлар союзи;

Франция республика ёшлари Союзининг миллий бюроси;

Мўғулистон Революцион ёшлар Союзининг Марказий Комитети;

Чехословакия ёшлар Союзининг Марказий Комитети;

Румония меҳнаткаш ёшлар Союзининг Марказий Комитети;

Венгрия халқ ёшлари Союзининг Марказий Комитети;

Австрия озод ёшлари, Вена;

Халқаро студентлар Союзининг Ижроия Комитети;

Сесто Феорентинодаги 3.400 коммунист, Италия;

Сала Болоньезедаги 1800 коммунист, Италия;

Кенг вилоятидаги 1000 коммунист, Англия;

«Италкабель» телеграф жамияти ячейкасидаги 130 коммунист, Рим;

Автомобил, трамвай ва дар'ё транспорти ходимларининг Италия миллий уюшмаси;

Хитой адабиёт ва сан'ат ходимлари уюшмаси;

Америка Қўшма Штатларидаги негрларнинг турли маслакдаги сиёсий ташкилотларининг вакиллари: Поль Робсон, доктор Уэб Дюбуа, Бенджамин Дж. Давис, доктор Арнольд Донава, ёзучи Шэрли Грахэмхоним, руҳоний Чарльз А. Хилл, доктор У. А. Хантон, профессор Томас Р. Джоунс, Рудольф Мосес Джордж, Б. Марфи, Уильям Л. Паттерсон, Фердинанд К Смит, Теодор Уорд, Докси А. Уилкерсон, Марвел Кук;

Саратов область Казачкин районидаги Ўртоқ Сталин туғилган кунининг 50 йиллиги номли ғалла совхозининг ишчилари, мутахассислари ва хизматчилари;

Литва ССР Зарасай уездидаги Черняховский номли колхознинг а'золари;

Новосибирский область Болоднин район, Криваяшинск қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг а'золари;

Куйбишев область Пестравск Ўрмончилик станциясининг ишчилари, мутахассислари ва хизматчилари коллективи;

Харьков область Ново-Водолажск район, Ворошилов қишлоқ советидаги «Колос» колхозининг а'золари;

Олтой ўлкаси Олтой районидаги «Коммунизм» колхозининг а'золари;

Гомель область Стрешинск район, Верхне—Олбинск қишлоқ советидаги «Новая жизнь» колхозининг а'золари;

Курск область Борисов районидаги М. Горький номли колхознинг а'золари;

Олтой ўлкаси Каменск районидаги «Октябрьский луч» колхозининг а'золари;

Киргизистон ССР Тян-шан область Оқтол районидаги «Оққия» колхозининг а'золари;

Саратов область Широко-Буеракск районидаги «Путь к социализму» колхозининг а'золари;

«Азнефть» бирлашмасининг «Киров — нефть» трестига қарашли 1-нчи конининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

Днепропетровскдаги металлургия ускуналари заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Уфадаги Ленин орденли нефть тозалаш заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

«Кузбасуголь» комбинатига қарашли Оржоникидзе номли шахтанинг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари;

Улан-Удэ шаҳридаги Ленин орденли паровоз-вагон заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

Кемероводаги Ленин орденли ВКП(б) XVIII с'езди номли азот-ўғит заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

Нефть конлари машинасозлиги Куйбишев заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари;

«Бугурисланнефть» трестига қарашли 1-нчи конининг ишчилари, инженер, техник ходимлари ва хизматчилари коллективи;

«Азнефтемаш» трестига қарашли Сталин номли машинасозлик заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги халқ хўжалигини моддий-техника та'минот Давлат Комитетининг ходимлари;

СССР Биокорлик материаллари саноати министрлигининг ходимлари;

СССР Геология министрлигининг ходимлари;

СССР Балиқ саноати министрлигининг ходимлари;

СССР Қурилиш ва йўл машинасозлиги министрлигининг ходимлари;

ВКП(б) Краснодар ўлка комитети;

ВКП(б) Иваново область комитети;

Киргизистон К(б)П Жалолобод область комитети ва меҳнаткашлар депутатлари область Советининг ижроия комитети;

Украина К(б)П Дрогобич область комитети;

Грузия К(б)П Жанубий-Осетия область комитети ва меҳнаткашлар депутатлари область Советининг ижроия комитети;

Белоруссия К(б)П Могилев область ва шаҳар комитетлари ҳамда меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советлари;

Тюмень область, Ханти—Мансийск миллий округидаги Ларьяк районининг биринчи партия конференцияси вакиллари;

ТАСС ходимлари коллективи;

«Радянська Украина» газетаси редакцияси ходимларининг коллективи, Киев шаҳри;

Озарбайжон Давлат Медицина институтининг студентлари, профессор ўқитучилари ва хизматчилари;

Бурят-Мўғулистон АССР Совет ёзучилари союзининг а'золари;

Свердловск Давлат музикали комедия театрининг артистлари, ишчилари ва хизматчилари;

Улан-Удэ шаҳридаги 3-нчи хотин-қизлар ўрта мактабининг ўқучилари ва ўқитучилари;

Воронеж давлат университетининг профессорлари, ўқитучилари, студентлари ва аспирантлари;

Сибирь металлургия институтининг илмий ходимлари, студентлари ва хизматчилари, Сталинск шаҳри;

Латвия Совет ёзучилари союзи а'золарининг умумий йиғилиши;

Минскдаги А. М. Горький номли Давлат педагогика институтининг профессорлари, ўқитучилари, студентлари ва хизматчилари;

СССР Медицина фанлари академиясига қарашли А. В. Вишневский номли Хирургия институтининг илмий ходимлари, хизматчилари ва ишчилари;

РСФСР Маориф министрлигининг ходимлари;

СССР Фанлар академиясига қарашли В. И. Вернадский номли Геохимия ва аналитик химия институтининг илмий ходимлари ва хизматчилари;

Осипов номидаги Давлат рус халқ оркестри музикачиларининг коллективи;

Бутун Иттифоқ темирйўл транспорти илмий-текшириш институтининг илмий ходимлари, ишчилари ва хизматчилари коллективи;

(Табриклар рўйхатининг давоми газетамизнинг келгуси сонида босилади).

УЗБЕКИСТОН ССР НИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон Касаба союзлари социалистик қурилишнинг янги ғалабалари учун курашда

Ж. ХУЖАЕВ.
Ўзбекистон Касаба союзлари Советининг раиси

Улуғ Октябрь социалистик революцияси жамиятнинг эксплоатация қилучи ва эксплоатация қилинучи, эзучи ва эзилучи синфларга бўлинишига абадий хотима берди. Совет халқининг социализм қуришда коммунистлар партияси раҳбарлиги остида эришган ғалабаси мамлакатимизда меҳнатни шон-шараф, шавкат ва қаҳрамонлик ишига айлантирди. Бизда ҳарбир ишчи техникўрлар учун эмас, балки ўзи учун, ўз жамияти ва давлати учун меҳнат қилаётганлигини жуда яхши билади. Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари социалистик Ватанимизнинг бойлигини кўпайтириш, унинг иқтисодий қудратини ошириш учун куч-қувватларини аямай меҳнат қилмоқдалар.

Илгари чор Россиясининг қолоқ ўлкаси бўлган Ўзбекистон совет ҳокимияти йилларида гуллаб яшнаган, саноатлашган ва колхозлашган республикага айланди. Шарқдаги барча мазлум халқлар учун маш'ал бўлиб қолди. Ўз миллий давлатига эга бўлган ўзбек халқи ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг тўғри амалга оширилганлиги натижасида, улуғ рус халқининг қардошларча берааётган катта ёрдами туфайли, ўз республикасини иқтисодий, маданий ва сиёсий жиҳатдан мисли кўрилмаган даражада ривожлантиришга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон Совет Иттифоқининг асосий пахта кони бўлиши блан бирга, Шарқда энг йирик саноат райони ҳамдир. Совет ҳокимияти йилларида республикада 200 дан ортиқ йирик саноат корхонаси қурилди. Булар орасида Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати, Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводи, Чирчиқ электрохимия комбинати, Ўзбекистон металлургия заводи каби йирик корхоналар; қўшпна тўқимачилик, тикучилик, пойафзал, пахта тозалаш, ёғ чиқариш ва бошқа шу каби саноат корхоналари вужудга келди. Эндиликда Ўзбекистон ўзининг кўмир ва металлургия саноатига, машинасозлик корхоналарига эга. Натижада республика халқ хўжалигида саноат маҳсулотининг салмоғи 1913 йилдаги 32 процентдан 1941 йилда 66 процентгача кўпайди. Оғир саноатнинг салмоғи 1913 йилда атиги 3 процент бўлса, 1946 йилда қариб 40 процентни ташкил қилди.

Халқ ташаббуси блан жуда кўп гидростанциялар қурилди. Совет Иттифоқида энг йирик электр станциялардан бири ҳисобланган Фарҳод гидроэлектростанцияси — ўзбек халқининг фахридир.

Урушдан кейинги сталинча бешйиллик планда саноат маҳсулоти ишлабчиқаришни янада кўпайтириш кўзда тутилган. 1950 йилда пўлат эритиш урушдан аввалги даврдагига қараганда 7 марта, кўмир чиқариш 38 марта, нефть чиқариш 8 марта, электр қуввати ишлаб чиқариш 4—5 марта кўпаяди. Қишлоқ хўжалиги, айниқса унинг асосий тармоғи бўлган пахтачилик тез сур'атлар блан ривожланмоқда. Бизда пахта ҳосили Америка Қўшма Штатларидагидан икки-уч марта, Ҳиндистондагидан олти марта кўпдир.

Совет ҳокимияти йилларида республикамизда 4.684 мактаб, шу жумладан 292 та тўлиқ ўрта мактаб очилди. Ўзбекистонда 36 та олий ўқув юрти ва 95 та техникум бор.

Коммунистлар партияси ва совет ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайли Ўзбекистон илғор социалистик маданиятта эга бўлган республикага айланди. Ўзбекистон ўз илмий маркази — фанлар академиясига эга. Республикада 40 дан ортиқ театр, жуда кўп парк, музей ва кинотеатрлар бор. Ўзбекистонда жам'и 73 миллион нусхада 100 дан ортиқ газета чиқарилмоқда.

Ўзбекистонда саноатнинг ўсиши блан бирга ишчилар синфи ҳам ўсди ва мустаҳкамланди. Ҳозирги вақтда саноат, транспорт ва қурилишларда маҳаллий миллатлардан жуда кўп ишчи, инженер, техник ва хизматчилар ишламоқда. Республиканинг корхоналаридаги ишчи ва хизматчилар сони 1925 йилдагига қарагандa олти мартадан кўпроқ ортди.

Республикада миллий зиёлилар — ўқитучилар ва агрономлар, инженерлар ва врачлар, профессорлар ва академиклар, артистлар ва ёзучилар етишди. Бу миллий кадрлар халқ ичидан чиққан, бутун вужуди блан халқ фарзанди бўлган кишилардир. Ўзбек халқи ўзининг ишлабчиқариш-техника зиёлиларига эга бўлди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 30 мингдан кўпроқ олий ма'лумотли ва 50 мингдан кўпроқ ўрта ма'лумотли кадрлар халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишламоқда. Шундан 18 мингги ўзбеклар.

Ўзбекистон касаба союзлари социалистик давлатни мустаҳкамлаш, халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш, сталинча бешйилликларни амалга ошириш учун курашда большевиклар партиясининг ва бутун совет халқининг актив ёрдамчиси бўлиб келдилар. Коммунистлар партияси раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон касаба союзлари, тинч қурилиш даврида сталинча бешйиллик планларини бажариш учун, Улуғ Ватан уруши йилларида эса душманни тезроқ тор-мор келтириш учун куч-қувватларини аямай курашдилар. Касаба союз ташкилотлари тинч қурилиш йилларида ҳам, уруш даврида ҳам ишчи ва хизматчиларнинг моддий аҳволини яхшилаш, маданий савиясини ошириш йўлида доим ғамхўрлик қилиб келдилар.

Совет касаба союзлари социализм мамлакатида давлатни идора қилучи ишчилар синфининг ташкилотидир. Социалистик қурилишда касаба союзларининг роли ғоят каттадир. Касаба союзлари,—деган эди Ленин: «тарбия ташкилоти, жалб этиш, та'лим бериш ташкилоти, бошқариш мактаби, хўжаликни идора қилиш мактаби, коммунизм мактабидир».

Ўртоқ Сталин бундай деб та'лим беради: «Касаба союзларини бизда ҳукмрон бўлган ишчилар синфининг ҳаммасининг ташкилоти деса бўлади. Касаба союзлари коммунизм мактабидирлар. Улар идора ишларининг барча тармоқларида раҳбарлик қилмоқ учун ўз ораларидан энг яхши кишиларни етказиб бериб турадилар. Улар ишчилар синфи ичидаги илғорлар блан орқада қолганларни бир-бирига боғлайдилар. Улар ишчилар оммасини ишчилар синфининг авангарди блан боғлайдилар». (Асарлар, 8-нчи том, 39 бет).

Большевиклар партияси ва совет халқи йўлбошчиларининг бу тарихий кўрсатмалари совет касаба союзларининг иши учун қўлланмадир. Совет касаба союзлари ўзларининг кундалик ишларида шу кўрсатмаларга амал қиладилар.

Халқ хўжалигини изчиллик блан юксалтириш ва ривожлантиришга кенг меҳнаткашлар оммасини сафарбар қилиш касаба союзларининг энг муҳим вазифасидир. Шу мақсадда касаба союзлари давлат планларини тўла ва ошириб бажариш учун, меҳнат унумини ошириш учун, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш учун ишчи ва хизматчиларнинг социалистик мусобақасини уюштирадилар.

Ўртоқ Сталин социалистик мусобақа социализм қурилишининг коммунистик методидир, деб та'лим беради. Урушдан кейинги йилларда социалистик мусобақа айниқса кенг қулоч ёйди. Республика халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг 90 процентдан кўпроғи социалистик мусобақада қатнашмоқда. Ўнларча корхоналар ҳозирнинг ўзидаёқ бешйиллик планларини муваффақият блан адо этдилар. Қувасой цемент ва химия заводлари, нефть саноати, Денов пахта заводи, «Коммунар» ремонт-механика заводи, Тошкент ва Янгийўл консерва заводлари, Андижон, Наманган, Ўртанч, Хўжайли ёғ заводлари ана шулар жумласиндир.

Тошкентдаги биринчи пойафзал фабрикасида довдор стахановчи Убай Раҳматуллаевнинг ташаббуси блан хомаш'ёғи иқтисод қилиш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун социалистик мусобақа кучайиб кетди. Фабрикада 32 бригада ўртоқ Раҳматуллаев методи блан ишламоқда. Ишчиларнинг 90 процентдан кўпроғи яккамаякка мусобақага жалб қилинган.

Мингларча стахановчи ва касаба союз активлари бешйиллик планларини бажардилар. Тошкент тўқимачилик комбинатида 600 киши, «Қизил тонг» тикув фабрикасида 140 киши, экскаватор заводида 282 киши, Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводида қариб 100 киши бешйиллик планни адо этди.

Касаба союзлари ишлабчиқариш планларини бажарини соҳасида катта ташкилий ишлар олиб бориш блан бирга, ишчиларнинг малакаларини оширишга, ишлабчиқарини илғорлари ва новаторларининг тажрибаларини оммалаштиришга, янги техникани жорий қилишга, кўп меҳнат талаб қиладиган оғир ишларни машиналаштиришга ёрдам бермоқдалар.

Касаба союзлари ишлабчиқариш кенгашлари орқали кенг ишчи ва хизматчилар оммасини ишлабчиқаришни бошқаришга жалб қилмоқдалар. Ўтган йилнинг 9 ойи мобайнида корхоналарда 58 минг ишлабчиқариш кенгаши ўтказилиб, бу кенгашларда ишлабчиқариш технология жараёнларини ихчамлаштиришга, меҳнат унумини оширишга, маҳсулот таннархини камайтиришга, маҳсулот сифатини яхшилашга, хомаш'ё, материал ва электр қувватини тежашга қаратилган 86 мингдан кўпроқ таклиф қабул қилинди. Бу таклифларнинг 79 проценти амалга оширилди.

Халқ хўжалигининг тез ривожланиши натижасида меҳнаткашларнинг турмуши тобора яхшиланмоқда, реал иш ҳақи ортмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг моддий аҳволини янада яхшилаш, уларга маданий хизмат кўрсатишни кучайтириш тўғрисида тинимай ғамхўрлик қилиш ҳарбир совет касаба союзининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Касаба союзлари давлат социал страхованиe ишини идора қилиш каби кенг ҳуқуқ ва имкониятларга эгадирлар. Республикамизда давлат социал страхованиe йиллик бюджети 300 миллион сўмдан ошиб кетади. Социал страхованиe маблағлари меҳнаткашларнинг моддий-маиший аҳволини яхшилаш ва уларнинг соғлиғи учун сарфланади. 1948 йилнинг ўзидагина Ўзбекистондаги ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан 43 мингдан кўпроқ киши даволаниш ва дам олиш учун дам олиш уйларига ва санаторияларга юборилди. Республикада касаба союзларга қарашли 16 та дам олиш уйи ва санаторий бор. Ўтган йили болаларни соғайтириш учун қариб 14 миллион сўм сарфланди. Мактаб ёшидаги ва мактабгача ёшдаги болалардан 45 мингдан кўпроғи пионер лагерьларида дам олди. Бундай ғамхўрлик фақат социализм ғалаба қилган бизнинг мамлакатимиздагина бўлиши мумкин. Капиталистик мамлакатларнинг биронтасида ҳам бундай нарса йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ўзбек халқининг энг муҳим вазифаси пахтачиликни ривожлантириш тўғрисидаги сталинча программани ваффақиятли бажариш учун курашдир. Касаба союзлари бу курашда актив қатнашмоқдалар.

ВКП(б) XVIII с'езди, социалистик жамият қурилишини тугаллаш ва социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш даврида «меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, коммунизм қуручи кишилар онгидаги капитализм қарқиндиларини йўқотиш иши ҳал қилучи аҳамиятга эгадир», деб уқдириб ўтган эди.

Шу муносабат блан меҳнаткашларнинг маданий савиясини ошириш соҳасида касаба союзларининг иши ғоят катта аҳамиятта моликлир. СССР Касаба союзларининг Уставида бу вазифалар қуйидагича ифода қилинган: «Касаба союзлари ўз а'золарини совет ватанпарварлиги руҳида, меҳнатта ва социалистик жамоат мулкига коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялайдилар; меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, ишчиларнинг маданий-техникавий савиясини инженер-техник ходимлар савиясигача кўтариш вазифасини амалга ошириш ишларини олиб борадилар; касаба союз а'золарида пролетар интернационализми ҳиссини кучайтирадилар...».

Ана шу катта тарбиявий ишни бажариш учун Ўзбекистон касаба союзлари катта моддий имкониятларга эгадирлар. Ўзбекистон касаба союзлари ихтиёрида 250 та клуб ва маданият саройи, корхоналарда 1.126 та қизил бурчак, қариб 200 кутубхона, 125 та кино бор. Сталинча бешйилликлар даврида Тошкентда тўқучилар, тикучилар, пойафзалчилар, темирйўлчилар учун маданият саройлари қурилди.

Бу маданият саройларида, клубларда, қизил бурчакларда, касаба союз кутубхоналарида халқаро аҳвол ҳақида, иқтисодий, табиий-илмий ва техникавий темаларда, адабиёт ва сан'ат масалалари тўғрисида доим лекциялар, докладлар ўтказилмоқда, кекса ишчилар блан ёш ишчиларнинг учрашувлари ўтказилмоқда.

Кўпгина клуб ва маданият саройларида фан ва техниканинг муваффақиятларини акс этдирадиган техника кабинетлари ташкил этилган. Бу кабинетларда ишлабчиқариш — техника темаларида лекциялар ўқилмоқда, стахановчиларнинг «сешанбалик»лари ташкил қилинмоқда.

Маданий-оммавий ишларни кучайтиришда бадиий ҳаваскорлар тўгаракларининг катта роль ўйнайдилар. Яқинда маданий оқартув муассасаларидаги бадиий ҳаваскорлар тўгаракларининг кўриги тамом бўлди. Бу кўрик даврида касаба союз ташкилотлари катта иш қилдилар. Ҳозирги вақтда 1.000 та драма, хор, музика, адабиёт ва бошқа шу каби тўгаракларнинг бор. Бу тўгаракларда касаба союз а'золаридан ва уларнинг оилаларидан қариб 15 минг киши иштирок қилмоқда.

Ўзбекистонда саноат ва қишлоқ хўжалигининг, маданият ва сан'атнинг, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш ишларининг ривожланиши ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг порлоқ тантанасини ёрқин намойиш қилади. Ўзбекистон бу муваффақиятларга партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлиги туфайли, улуғ рус халқининг ёрдами туфайли эришди.

Бу муваффақиятларга эришишда ишчилар синфи ва унинг оммавий ташкилоти бўлган касаба союзлари катта роль ўйнадилар. Социалистик қурилиш йилларида касаба союзлари қартарафлама ўсиб, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамландилар ва большевиклар партияси раҳбарлиги остида коммунизм мактаби ролини муваффақиятли бажармоқдалар.

Ўзбекистон касаба союзлари а'золарининг сони 1925 йилдагига нисбатан 6 марта, бошланғич касаба союз ташкилотлари деярлик 3 марта кўпайди. Республикамизда қариб 100 минг касаба союз активи бор.

Касаба союз органларига маҳаллий миллатлардан кўпгина ходимлар сайланди. Касаба союзлари республика комитетлари раёсларининг ва секретарларининг ярмидан кўпроғи маҳаллий миллат кадрларидир. Буларнинг 32,3 процентини хотин-қизлар ташкил қилади.

☆

Ўзбек халқи Совет Ўзбекистони ташкил қилинганига 25 йил тўлган кунни байрам қилишга қизғин тайёрланмоқда. Халқимиз бу катта байрамни муносиб кутиб олиш учун бутун куч-қувватини аямай меҳнат қилмоқда. Фабрикалар, заводлар, янги қурилишлар, колхоз ва совхозлар бу байрамни ишлабчиқариш планларини тўла ва ошириб бажариш блан кутиб олиш учун курашмоқдалар. Етиштирилган мўл пахта ҳосили сўнгги кўрагигача тўла йиғиб-териб олинишни ва давлатга топширилишни керак.

Бутун Иттифоқ Касаба союзларининг X с'езди қарорлари блан қуролланган Ўзбекистон касаба союзлари партия ташкилотларининг доимий ёрдами ва раҳбарлиги остида касаба союз а'золарини республикамиз экономикасини ва маданиятини янада ривожлантириш учун курашга сафарбар қиладилар, коммунизм тантанаси учун курашда Ленин — Сталин ғояларини садоқат блан амалга оширадилар.

Республикамизнинг шонли юбилейига муносиб совғалар

☆ ☆ ☆

Бўка районы юксалишда

Бўка районы бирнеча йилдан бери пахта тайёрлаш планини бажармай келар эди. Ўтган йилнинг бошида Бўка район партия ва совет ташкилотлари, барча колхозчилар районни ўпирилишдан чиқариб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун ҳамма чораларни кўрдилар. Колхозлар давлатдан катта ёрдам олдилар.

Район колхозчилари, қишлоқ хўжалиги ходимларининг фидокорона меҳнати яхши натижа берди. Район пахта тайёрлаш давлат планини бажарди. Пахта ҳосили 1948 йилдагига нисбатан гектар бошига анчагина оширилди. Районнинг колхозлари давлатга 1948 йилдагига қараганда 36.500 центнер кўп пахта топширдилар.

Ўтган йили бирқанча қийинчиликлар юз беришига қарамай, кўпчилик колхозлар пахта ҳосилини кескин суратда оширдилар. Қорақўйли қишлоқ советидаги Вильямс номли колхоз бундан икки йил илгари гектаридан 12 центнердан ҳосил олар эди. 1949 йилда бу колхоз 520 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 26,7 центнердан пахта топширди. Охунбобоев номли колхоз пахта ҳосилини 1948 йилдаги 11,5 центнердан 1949 йилда 25 центнергача, «Севастополь» колхози 11 центнердан 19 центнергача, «Красный партизан» колхози 14 центнердан 20 центнергача, Будённий номли колхоз 12,2 центнердан 18,7 центнергача, «Янги турмуш» колхози 7 центнердан 18 центнергача, «Москва» колхози 8 центнердан 17 центнергача ошириди.

Бўка колхозларининг ери асосан сўнгги 4—5 йил ичида ўзлаштирилган янги ерлардир. Шу сабабли ҳам ҳар гектар ердан 20—25 центнердан ҳосил етиштириш энг сўнгги чегара деб ҳисобланар эди. Илғор колхозларнинг тажрибаси бу «назария»ларни чиппакка чиқарди. Севикли Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш учун бутун куч-қувватини аямай меҳнат қилаётган совет кишилари ҳарқандай қийин ишларни ҳам бажаришга қодир эканликларини—бир эмас, балки бирнеча бор исбот этдилар. Ленин номли колхознинг а'зоси, 82 ёшли Турдиали ота Ҳамидов 6 гектар ернинг ҳар гектаридан 61 центнердан, «Москва» колхозининг Ойпошша Камолова бошлиқ звеноси 53 центнердан, «Кремль» колхозида комсомол а'зоси Ҳолбиби Юнусова 52 центнердан, «Коминтерн» колхозининг Оптобхон Тожибоева бошлиқ звеноси 49 центнердан пахта топширди. Вильямс номли колхозда коммунист Ҳолбой Муродов янги ерларни ўзлаштрувчи звенога бошчилик қилди. Бу звеноларнинг а'золари фидокорона меҳнат қилиб, катта муваффақиятга эришдилар. Звено 7 гектар ернинг ҳар гектаридан 73 центнердан ҳосил олди.

Район партия ташкилоти барча коммунистлар ва комсомолларни, колхоз активларини пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун, районнинг ер-тупроқ шароити туфайли юз берадиган ҳарқандай қийинчиликларни бартараф қилиш учун курашга сафарбар этди.

Биз пахтачиликда тўпланган бой тажрибаларни кенг ёйиш ва дала ишларининг ҳаммасини агротехника билими асосида уюштиришга алоҳида э'тибор бердик. Дастлаб илғор пахта усталарининг семинари ўтказилди, бунда тажрибалар ўртоқлашилди.

Район партия ташкилоти колхозларни мустаҳкамлашга, ишлабчиқаришда коммунистларнинг авангардлигини ошириш ва колхоз кадрларини танлаш ҳамда тарбиялашга алоҳида э'тибор қилди. Қишлоқ хўжалигида тажриба тўпланган, кейинчалик совет аппаратида ишлашга ўтган кадрлардан 18 киши ўз хоҳиши блан янада колхозларга ишлаш учун борди. Колхозларда хўжалик ишлари блан банд бўлган партия а'зо ва кандидатларидан 119 киши бригада ва звеноларга кўчирилди.

Райондаги ҳар икки МТС да ҳам ихтисосли кадрлар тайёрлаш учун тегишли чоралар кўрилди. Бир йил ичида колхозчи ёшлардан 69 киши тракторчи қилиб тайёрланди.

Районни сув блан та'минлаш юзасидан катта ишлар қилинди. Колхозчиларнинг ташаббуси блан янги каналлар, ариқлар қазилди. Бу нарса юзларча гектар қақраб ётган ерларга сув чиқариш имкониятини берди.

Колхозчилар пахта ҳосилини ошириш йўлида зўр ғайрат кўрсатиб ишлаш блан бирга ўз қишлоқларини обод этиш, уй-жой ва жамоат бинолари қуришни ҳам кучайтириб юбордилар. 1949 йилнинг ўзидагина колхозларда 1.300 уй қурилди ва 1.013 оила янги уйга кўчиб кирди. Деярлик ҳамма колхозларда радиоточкалар ўрнатилди, 11 колхоз электрлаштирилди, янги йўллар қурилди, 500 минг дарахт кўчатлари ўтказилди, 215 гектар ер боққа айлантирилди. Коммунист, комсомоллар ва барча меҳнаткашлар Бўка районининг экономикасини кучайтириш ва маданиятини юксалтириш учун курашмоқдалар. Пахтадан мўл ҳосил олиниши, пахта тайёрлаш планининг бажарилиши натижасида колхозчиларнинг даромади ошди.

Районнинг колхозлари пахтадан мўл ҳосил етиштиришни та'минлаш учун мустаҳкам замин тайёрламоқдалар. Ҳозир 3.000 гектардан кўпроқ ер шудгор қилинди. 1.500 тонна минерал ўғит далага чиқарилди, трактор ремонти тамом бўлай деб қолди. Ариқ-зовурлар тез кун ичида тозалаб бўлинади.

Бу йил районда пахта майдони асосан янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига 1.400 гектар кенгайтирилади. Район партия комитети ҳарбир колхознинг имкониятини ҳисобга олиб, район меҳнаткашлари олдига ҳозиргидан кўпроқ пахта ҳосили етиштириш вазифасини қўймоқда. Бошланғич партия ташкилотлари ва колхоз правлениелари ана шу вазифани амалга ошириш учун ҳозирданоқ ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Бўка районининг большевиклари ва барча колхозчилари Ўзбекистон К(б)П X с'езднинг қарорига амал қилиб ва жонажон давлатимизнинг ёрдамига таяниб, экин майдонларини янада кенгайтириш ва яқин 2—3 йил ичида Бўка районини Тошкент областининг энг йирик ва юқори ҳосилли пахтакор районларидан бирига айлантириш учун бутун куч-қувватларини аямай ишлайдилар.

Ж. ХОНАЗАРОЗ.

Ўзбекистон К(б)П Бўка район комитетининг секретари.



Суратда: Самарқанд область, Нурота районидаги Охунбобоев номли колхоз правлениесининг янги қурилган биноси.
А. Кузьменко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Иқтисод фанлари доктори

Яқинда Ўрта Осиё политехника институтининг доценти, сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири Ўртоқ Юна Исҳоқов СССР Фанлар Академияси Иқтисод институтининг илмий советида иқтисод фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун «Ўзбекистон пахтачилиқ хўжалигида меҳнат унумининг юксалиши» деган темада диссертация ёқлади. Бу—республикамизнинг маданий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган воқиалардан биридир.

Ўртоқ Исҳоқовнинг диссертацияси халқ хўжалигида катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизнинг халқ хўжалигида, айниқса қишлоқ хўжалигида кам ўрганилган масалаларидан бирига бағишлангандир. Диссертация партия ва ҳукуматимизнинг қарорлари ва айниқса Ўртоқ Сталининг Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш ҳақидаги кўрсатмалари асосида ишланган.

Бу тема Ўртоқ Исҳоқовни узоқ йиллардан бери қизиқтириб келган эди.

Ўртоқ Исҳоқов диссертацияси юзасидан сўзга чиққан оппонентлардан академик С. Г. Струмилин, академик В. С. Немчинов, Тимирязев номидаги Қишлоқ хўжалик академиясининг профессори, иқтисод фанлари доктори И. С. Кувшинов ва бошқа ўртоқлар диссертацияга юксак баҳо бердилар.

СССР Фанлар Академияси Иқтисод институтининг илмий Совети, шу институт докторанти, ўртоқ Исҳоқовга иқтисод фанлари доктори деган илмий даражани беришга қарор қилди.

Иқтисод фанлари доктори Юна Исҳоқовнинг илмий фаолияти бу блан чегаралонмайди. У, 20 йил мобайнида Ўзбекистон олий ўқув юртларида маҳаллий миллатлардан минглаб иқтисодчилар, агрономлар, инженерлар, партия, совет кадрлари тайёрлаб чиқаришда ҳам фаол иштирок этди.

Карим ЮСУПОВ.

Офарин

(Пахта планини бажарган колхозчиларга)

Мен юракдан сўзладим, ўлкам, эшит,
Пахтазор илдамлари, илдам эшит,
Тоғу-дар'ёлар эшит, олам эшит,
Эй саҳар юлдузлари, сен ҳам эшит,
Мақтасам мақташга лойиқ ҳарбирин,
Бу Сталин наслига минг офарин.

Ағдариб ер қатламин аввал баҳор,
Сурмадек қилди майин нўп номдор,
Қарталар нўзгуга ўхшаш бағубор,
Гулдираб енголмади нўк неча бор;
Мақтасам мақташга лойиқ ҳарбирин,
Бу Сталин наслига минг офарин.

Ҳар чигитдан ундириб зумрад дарахт,
Дўлу ёмғир зарбидан бўлмай карахт,
Шохларин ғуж-ғуж нўракла қилди тахт,
Кел, деди нўксин очиб иқболу бахт.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИЯСИ МАМЛАКАТЛАРИДА

Венгрия — Совет жамиятининг фаолияти

БУДАПЕШТ. Венгрия — Совет жамиятининг бош секретари Дьердь Бернат жамиятнинг 1950 йилги иш плани тўғрисида матбуот вакилларига сўзлаб берди. Венгрия—Совет жамиятининг асосий вазифаларидан бири, деди Дьердь Бернат, Венгриядаги кенг халқ оммасининг социализм мамлакатига бўлган катта қизиқишини қондиришдан иборатдир.

Жамият, дейди Дьердь Бернат, ҳар ойда 60 та йирик корхонада доклад ва концертлар ўтказмоқчи. Совет Иттифоқининг ҳаётини тасвирлайдиган кўчма виставкалар, деворий газета — плакатларнинг сони кўпайтирилади. Мамлакатнинг энг узоқ жойларида виставкалар очилади ва киносеансларр ўтказилади. Февраль ойида Венгрия—Совет дўстлиги ойлиги ўтказилади.

Венгрия қишлоқ хўжалиги учйиллик халқ хўжалик планини бажарди

БУДАПЕШТ, (ТАСС). Венгрия қишлоқ хўжалиги учйиллик халқ хўжалик планини бажарди. Мамлакатнинг айрим областларида қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш урушдан аввалги даражадан ошиб кетди.

Хўжалик планли олиб борилганлиги ва қишлоқ хўжалиги машиналари ҳамда ўғитлар ишлатилганлиги туфайли давлат қишлоқ хўжаликлари ва деҳқончилик ишлабчиқариш кооперативлари ҳамма жойда яккa деҳқонларга қараганда мўл ҳосил етиштирдилар. Деҳқонларни нав'ли уруғлар блан та'минлаш анча яхшиланди. Агар 1946 йилда меҳнаткаш деҳқонлар экиш учун давлатдан 60 минг центнер нав'ли уруғ олган бўлсалар, ўтган йили кузда уларга 180 минг центнер нав'ли уруғ берилди.

Учйиллик плани амалга ошириш даврида техника экинлари майдони анча кенгайди. Қанд лавлаги майдони икки марта, конопля майдони 20 процент кўпайди.

Совет Иттифоқининг тажрибаси асосида Венгрияда пахта, қўксағиз, канап ва бошқа шу каби янги ўсимликлар экила бошланди.

Будапешт заводида стахановчилик мактаби

БУДАПЕШТ, 5 январь. (ТАСС). Кеча Будапештдаги МАВАГ заводида металлни жадал қирқиш усулларини ўрганиш юзасидан биринчи стахановчилик мактаби очилди. Мактабни ихтиро'чилик ишлари блан шуғулланучи Бутун Венгрия бошқармаси блан биргаликда металлистлар касаба союзи ташкил қилди. Мактабда заводнинг энг яхши токарларидан 120 киши ўқимоқда.

Стахановчилик мактабининг ўқучилари совет стахановчиларининг иш методлари блан танишадилар. Бу эса янада яхшироқ натижаларга эришиш имкониятини беражак. Мактабда совет токари, Сталин мукофоти лауреати Павел Биковнинг металлни жадал қирқиш тўғрисида ёзган китоби асосий дарслик бўлади.

И. В. Сталин асарларининг биринчи томи словак тилида нашр этилди

ПРАГА, 5 январь. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги хабар беради: Словакия коммунистлар партияси Марказий комитетининг қарорига биноан, И. В. Сталин асарлари словак тилида нашр этилмоқда. Асарлар тўпламининг биринчи томи 50 минг нусхада босилди.

Словакия халқ хўжалигининг муваффақияти

ПРАГА, 5 январь. (ТАСС). Сўнгги уч йил ичида Словакия саноати тез сур'атлар блан ривожланди. Чехословакияда буржуя ҳокимияти ҳукм сурган вақтда Словакия қолоқ қишлоқ хўжалик вилояти ҳисобланар эди. 1949 йилнинг бошларидаёқ Словакияда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш урушдан илгариги 1937 йилдаги даражадан икки мартадан кўпроқ ошиб кетди. 1949 йилда саноат янада юксалди. Ҳозир Словакияда электрлаштирилган қишлоқларнинг сони 1.894 га етади.

Чехословакия корхоналарида стахановчилар ва зарбдорлар сафи кенгаймоқда

ПРАГА. Чехословакия корхоналарида стахановчилар ва зарбдорлар сафи кенгаймоқда. Касаба союзларининг Марказий кенгаши ишлабчиқариш соҳасида анча катта муваффақиятларга эришган ишчиларга 1949 йилнинг охиригача 14.680 та зарбдорлик дафтарчаси берди, шу жумладан Словакияда зарбдорларга уч мингдан кўпроқ дафтарча берилди.

1949 йилнинг декабрь ойида стахановчилар ва зарбдорлар сони анчаёқ кўпайди. Декабрь ойида И. В. Сталин туғилган кунинг 70 йиллиги шарафига мингларча корхоналарда зарбдорларча ишлаш сменалари ўтказилди. Ўтган йилнинг декабридан буён зарбдорларга яна 8 минг дафтарча берилди.

Бешйилликнинг иккинчи йили бошланиши блан Чехословакияда меҳнат ғайрати яна ошмоқда. Кўпгина корхоналарнинг коллективлари 1950 йилги ишлабчиқариш планини муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олдилар.

Булғория меҳнаткашлари бешйилликнинг биринчи йилини муваффақиятли тугалладилар

СОФИЯ, 5 январь. (ТАСС). Булғория Халқ Республикасининг меҳнаткашлари мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги бешйиллик плининг биринчи — 1949 йилги планини муваффақиятли тугалладилар.

Ўтган йилда кўмир чиқариш 1944 йилдагига қараганда, бир ярим мартадан кўпроқ, руда чиқариш икки ярим мартадан кўпроқ ортди.

Машинасозлик заводлари 1949 йилда катта муваффақиятларга эришдилар. Машинасозлик саноати бирқанча янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди, шу жумладан молотилкалар, газогенераторлар, ғалла ўрадиган машиналар, электр моторлар, локомотивлар, тракторлар, юк автомашиналари ва бошқа шу каби машиналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Халқ демократик Булғориясида машина ишлаб чиқариш 1939 йилдагига нисбатан 33 марта ортди.

Мамлакатда металл ишлаб чиқариш 1930 йилдагига қараганда 22,5 марта кўпайди. Қора металлургия корхоналари бу йил маҳсулот танқархини 12,3 процент камайтирдилар.

Ўтган йили электр саноати тез сур'ат блан ривожланди. Бирқанча янги электр станциялар қурилди. Ўтган йил ичида мамлакатда 400 дан ортиқ қишлоқ электрлаштирилди.

Енгил саноат корхоналарида йиллик ишлабчиқариш планиI1 ой ичида бажарилди. Енгил саноат корхоналарининг коллективлари йил охиригача пландан ташқари бирнеча миллион левлик ҳархил кенг истe'мол моллари ишлаб чиқардилар. Тўқимачилик фабрикаларида совет мастери Александр Чуткихдан намуна олиб, Булғорияда биринчи марта а'ло сифатли бригадалар ҳаракати вужудга келди. А'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаракати ҳамма тўқучилар орасига ёйилди.

Қишлоқ хўжалиги ҳам катта муваффақиятларга эришди. Ўтган йилнинг охиригача мамлакатда 1609 та меҳнат кооперативдеҳқончилик хўжалиги ташкил қилинди. Кузги шудгор ва кузги дон экиш планлари муддатидан илгари бажарилди.

Меҳнаткашларнинг моддий аҳволи анча яхшиланди.

Ҳозирги вақтда Булғория меҳнаткашлари Май олди социалистик мусобақасига қўшилиб, ўз планларини муддатидан илгари бажариш мажбуриятларини олмоқдалар.

Булғорияда тўғриғ металлургия заводи

СОФИЯ. Софиядаги «Электрометалл» заводи давлат ихтиёрига олинмасдан илгари қичик бир завод ҳисобланар эди. Энди ликда бу корхона анча кенгайди. Мамлакатдаги машинасозлик саноати учун керакли пўлат ва чўян ишлаб чиқариш ўтган йилдагига қараганда тўрт марта кўпайди.

Заводда тажрибали пўлат эритучилар, қолипчилар, қуючилар кўпайди.

И. В. Сталин туғилган кунинг етмиш йиллигигача завод йиллик ишлабчиқариш программасини 181 процент бажариб, давлатга 35 миллион лев фойда берди.

Булғорияда тўғриғ металлургия заводи бўлган «Электрометалл» заводи бешйиллиқнинг охирига бориб республикада энг йирик, техника жиҳатидан жуда мукаммал социалистик корхонага айланади.

Польшада машинасозлик саноати ривожланмоқда

ВАРШАВА. Варшава радиостанцияси қуйидаги хабарни эшитдирди: 1950 йилда Польша машинасозлик саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилдагига қараганда 90 процентдан ортиқ кўпаяди. Жумладан, юк автомашиналари 1950 йилда бултургига қараганда юз процент кўп ишлаб чиқарилади. Мотоциклар ишлаб чиқариш 1950 йилда 50 процент ва велосипедлар ишлаб чиқариш 20 процент ортади. 1950 йилда қишлоқ хўжалик машиналари 1949 йилдагига қараганда 2 марта кўп ишлаб чиқарилади.

Польшада саводсизлик тугатилмоқда

ВАРШАВА, (ТАСС). 1949 йил 7 апрельда Польша сейми Польшада саводсизликни тугатиш тўғрисида қонун қабул қилган эди. Саводсизлар рўйхатга олиниб, ташкилий тайёргарлиқ кўрилгандан кейин 1949 йилнинг ўрталарида саводсизликни тугатиш ишлари кенг қизиб кетди. 1949 йилдаги та'лим плани тўла бажарилди. Ҳозирги вақтда Польшада саводсизликни тугатиш юзасидан 26.107 курс очилган. Бу курсларда 439.8М киши ўқимоқда.

Германия демократик республикасида агробиология илмий-текшириш станцияси ташкил қилинди

БЕРЛИН, АДН агентлиги хабар беради: Потсдам ёнидаги Марквардт шаҳрида агробиология илмий-текшириш станцияси ташкил қилинди. Станция Совет Иттифоқи қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган энг янги агротехника усулларини Германия демократик республикасининг қишлоқ хўжалигида ўзлаштиришни ва жорий қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Станция раҳбари қилиб Мичурин та'лимотини ўрганиш ва амалга татбиқ қилиш соҳасидаги муваффақиятли ишлари блан ном чиқарган доктор Хенс тайинланди. (ТАСС).

Албания корхоналари йиллик планни муваффақиятли бажардилар

ТИРАНА. Албания телеграф агентлиги Албания халқ республикаси корхоналари йиллик планни муваффақиятли бажарганлиги ҳақидаги хабарларни э'лон қилмоқда.

Дуррес шаҳридаги кемасозлик корхонаси йиллик плани 11 процент ошириб бажарди. Тирана шаҳридаги кўприк ва йўл қурилиши давлат корхонасига қарашли устахонанинг ремонтчи ишчилари ўртоқ И. В. Сталин туғилган кунинг 70 йиллиги шарафига олган мажбуриятларини муддатидан тўрт кун илгари бажардилар. Устахона ишчилари 1950 йилги планни муддатидан илгари адо этиш мажбуриятини олдилар.

Малик қўлини қуритишда ишлаётган ишчилар 1949 йилги планни 31 декабрьда бажариб, пландан ташқари анчагина иш қилдилар. Девол канали казиб битказилди. Бу эса Девол дар'ёси бўйидаги ерларни сув босишига йўл қўймайди.

Хитой Демократик ёшлар союзининг фаолияти

ПЕКИН, 5 январь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Ўтган йил апрель ойида Демократик ёшлар союзининг биринчи Умумхитой с'езди чақирилган эди. Шу вақтдан буён союз а'золарининг сони 190 мингдан 584 минг кишигача кўпайди.

Яқинда озод қилинган районларда Демократик ёшлар союзига йиғит ва қизлардан жуда кўп киши а'зо бўлиб кирди. Демократик ёшлар союзининг шахталарда, корхона ва темирйўл устахоналарида ишлаётган а'золари саноатни тезроқ тиклашда муҳим роль ўйнамоқдалар. Улар ишлабчиқариш планларини ошириб бажариш учун бошланган меҳнат мусобақасида актив қатнашмоқдалар.

Демократик ёшлар союзининг Мукден темирйўл устахонасида ишловчи а'зоси Чао Го-юй станок шкивининг айланишини 10 марта тезлатиб, янги рекорд қўйди. Унинг намуна Маньчжурияда меҳнат унумини ошириш учун қураш ҳаракатини бошлаб берди. Маньчжурияда сўнгги ойларда ёшлар томонидан меҳнат соҳасида кўпгина янги рекорд қўйилди.

Союз а'золари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қураш ҳаракатларида ҳам актив қатнашмоқдалар.

Чахар вилоятининг уезд'ларидан бирида ўтган йил кузда Демократик ёшлар союзининг а'золари деҳқонлар блан биргаликда 100 минг туп дарахт ўтказдилар.

Союз а'золари саводсизликни тугатиш мактаблари очишга ҳам катта ёрдам бермоқдалар. Бу мактабларда юз мингларча деҳқонлар хат-савод ўрганмоқдалар.

Ҳозирги вақтда Хитой Демократик ёшлар союзининг ташкилотлари томонидан 40 дан ортиқ журнал нашр этилмоқда. Союз Марказий комитети томонидан нашр этилаётган «Хитой ёшлари» журнали айниқса қизиқиб ўқилмоқда.

АНГЛИЯ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИ ТАНИДИ

НЬЮ-ЙОРК, 5 январь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг Лондондаги мухбири хабар беради: Расмий манба'лардан олинган ма'лумотларга қараганда, Англия ҳукумати телеграф орқали Пекинга мактуб юборганлигини айтди. Бу мактубда Англия Хитой халқ республикасини расмий равишда таниганлиги билдирилган. Бу хабарни айтган кишиларнинг сўзига қараганда, Англия Хитой халқ республикасини ҳечбир сўзсиз тўла равишда де-юре танийди.

Мактуб Хитой халқ республикасининг ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лайга топшириш учун Пекиндаги инглиз бош консули Грэхэмга юборилган.

Англия блан Чан Кай-ши ҳукумати ўртасида муносабатлар узилди

ЛОНДОН, 5 январь. (ТАСС). Рейтер агентлиги хабар беради: Ишончли манба'дан ма'лум бўлишича, Англия 5 январь кечқурун Хитойнинг миллатчи ҳукумати блан муносабатларни узган.

Хитойда «Халқ флоти» журналининг биринчи сони чиқди

НАНКИН, 5 январь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Хитой халқ флотининг жангчилари учун нашр этиладиган «Халқ флоти» журнали янги йил кунида чиқди. Бу журнал Шарқий Хитой халқ фронти штабининг органидир. Журналда Хитой Марказий Халқ ҳукумати раиси Мао Цзе-дунинг хати босилган. Мао Цзе-дун ўз хатида бундай деб ёзади: «Биз мамлакатимизни ҳимоя қилалоладиган ва империалистларнинг ҳарқандай ҳужумини тўхтатолладиган флот қуришимиз керак».

Хитой Халқ Республикаси блан дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисида Покистоннинг таклифи

ЛОНДОН, 5 январь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Қарачидан хабар беради: Покистон ҳукумати кеча Хитой Халқ Республикаси Марказий халқ ҳукумати блан дипломатия муносабатлари ўрнатишга қарор қилди.

АФИНА ҲУКУМАТИ ИСТЕ'ФО БЕРДИ

АФИНА, 5 январь. (ТАСС). Афина ҳукумати исте'фо берди.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚ-ОЗОДЛИК КУЧЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ

ЛОНДОН, 5 январь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Сайгондан хабар беради: Франция олий қўмондонлигининг вакили қуйидагиларни айтди: сўнгги вақтда, Вьетнам партизанлари Ҳинди-Чини ярим оролининг шарқий соҳилида жойлашган Донгхойдан 18 мила масофада турган французъ қўшилмаларига қарши катта ҳужум ҳаракатлари бошладилар. Бу ҳужум вақтида французлар «кўп талафот» кўрмоқдалар.

Сўнгра бу вакил, 1949 йил декабрьдан буён бутун ярим оролда ва айниқса Тонкинда Вьетнам партизанларининг ҳужумлари айниқса кучайиб бормоқда, деди.

ИНДОНЕЗИЯДА АҲВОЛ

ГААГА, 5 январь. (ТАСС). АНП агентлиги Жакартадан хабар беради: Явада Хатта аскарлари блан «Дорилислом» деган мусулмон ташкилоти отрядлари ўртасида катта жанглар бошланди. «Дорилислом» отряддари Бребес шаҳрига бостириб кириб, шаҳарнинг бир қисмини, шунингдек барқанча давлат муассасаларини, телефон, телеграф ва темирйўл станциясини ишғол қилдилар. Ҳозир Хатта ҳукумати ва голландиялилар бу районга мадад кучлари юбормоқдалар.

ҲИНДИСТОНДАГИ АҲВОЛ ДОИР

ДЕҲЛИ, 5 январь. (ТАСС). Хабарларга қараганда, Калькуттада полиция студентлар намойишига ҳужум қилган вақтда 10 та бомба ташланган. Полиция намойишчиларга қарши кўздан ёш оқизадиган газ ишлатган ва намойиш қатнашчиларини калтаклаган, 20 киши қамоққа олинган.

ДЕҲЛИ, 5 январь. (ТАСС). «Нетаджи» газетаси хабар беради: «Ассамда полиция қувғини жуда кучайиб кетди. Ўтган икки ҳафта ичида 300 демократ қамоққа олинди. Қамоққа олинганлар орасида битта 15 яшар қиз ҳам бор. Полициячилар 1000 уйга ўт қўйдилар».

Польша ҳукуматининг Франция ҳукуматига нотаси

ВАРШАВА, 5 январь. (ТАСС). 3 январьда Польша ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Вербловский Франциянинг Варшавадаги элчиси Жан Беленга нота топширди. Нотада бундай дейилади:

Польша ҳукумати 1949 йил 30 декабрьда Польша республикасининг Париждаги элчихонасига суиқасд қилинганлиги ҳақидаги хабарни эшитиб, жуда ташвишланди ва чуқур афсусланди. Франция ҳукумати Франциядаги чет эл ваколатхоналарининг хавфсизлигини та'минлаш тўғрисидаги асосий вазифасини бажармади, Парижда Польша элчихонаси учун бу хил суиқасдларга йўл қўймайдиган шароитни яратиб бераолмади.

Франция ма'мурларининг қатти ҳаракати Франциядаги Польша элчихонасининг вакилларини та'қиб остида қолдирадиган вазият юз беришига ёрдам қилди, бу эса француз халқининг ҳис-туйғуларига хилофдир. Бу ҳол ҳам Франция ҳукуматининг жавобгарлигини тасдиқлайди.

Сўнгра нотада бунинг исботи учун жуда кўп далиллар келтирилади.

Француз ма'мурларининг Польша блан Франция ўртасидаги мавжуд битимларни очиқдан-очиқ бузадиган бундай қаттиҳаракати учун, — дейилади нотада, — Франция ҳукумати, ички ишлар ва ташқи ишлар министрлари жавобгардирлар, улар Миллат мажлисида 1949 йил 13 декабрьда бўлган мунозаралар вақтида бу кампания Франция ҳукуматининг қасдан юргизган сиёсати натижасида юз берганлигини э'тироф қилдилар.

Шундай вазиятда Польша ҳукумати Франциянда Польша ҳукумати вакилларининг хавф-хатарсиз яшаши учун тегишли шароит туғдириб берилмаганлиги ва уларга нисбатан душманчилик вазияти туғдиришга ҳаракат қилинганлиги учун Франция ҳукумати тамомила жавобгар деб ҳисоблаб, унга қат'ий норозилик билдиради ва Франция ҳукуматидан қуйидагиларни талаб қилади, чунончи:

Ҳамма қабул қилган ва танилган халқаро ҳуқуқ доирасида Франциядаги Польша вакилларининг хавф-хатарсиз яшашини та'минлашни;

1949 йил 30 декабрьда Польша республикасининг Париждаги элчихонасига суиқасд қилган айбдорларни аниқлаш мақсадида қаттиқ тергов ўтказишни;

Бу жиноятда айбдор бўлган кишиларга қаттиқ жазо беришни ва етказилган зиённи тўлашни;

Францияда шу вақтгача ҳечқандай жазога тортилмай Польшага қарши иш кўриб келаётган унсурларнинг қабиҳ ҳаракатини рағбатлантириш сиёсатига хотима беришни талаб қилади.

Филиппинда Америка Қўшма Штатлари вакиллари блан гоминданчилар ўртасида махфий кенгаш

ПЕКИН, 5 январь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: матбуотда босилган хабарларга кўра, Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Филиппин оролларидан ҳарбий база сифатида фойдаланиб, гоминданчиларнинг Тайванни мудофаа қилиш планлари блан Американинг Филиппин оролларидаги ҳарбий планларини мувофиқлаштириб олиб бориб, Кирино ҳукумати орқали Тайван (Формоза) оролида Чан Кай-ши тўдасига ёрдам бермоқчи. Яқинда Багиода гоминдан вакили Чэн Цзи-пэй, Филиппиндаги Америка элчиси Коуэн ва Филиппин президенти Кирино ўртасида махфий кенгаш бўлган.

Сентраль Ньюс деган гоминдан агентлигининг 1949 йил 21 декабрьдаги хабарига кўра, Чэн Цзи-пэй блан Филиппин президенти Кирино Филиппиндаги ортиқча куроль-яроғ ва ўқ-дориларни Чан Кай-ши тўдасига сотиш масаласини муҳокама қилган. Гоминдан агентлигининг мазкур хабарида айтилишига қараганда, уч вакил ўртасидаги кенгашда Америка Қўшма Штатлари, Филиппин ва Чан Кай-ши тўдасининг Узоқ Шарқдаги ҳарбий планларини мувофиқлаштириш масаласи муҳокама қилинган. Шу блан бирга гоминданчиларнинг Тайванни мудофаа қилиш плани блан Филиппинни мудофаа қилиш планини бирлаштиришга алоҳида э'тибор берилган.

Юнайтед Пресс агентлигининг 21 декабрьда берган яна бир хабарида айтилишича, Багиодаги кенгаш олдидан Филиппиндаги Америка элчиси Коуэн Узоқ Шарқдаги Америка харбий-ҳаво кучлари қўмондони Стратмейер блан ва Макартур штаби разведка бўлимининг раҳбари Чарльз Уиллоуби блан маслаҳатлашган. Хабарларга қараганда, Уиллоуби Тайван ороли тўғрисида Макартурнинг планларини Коуэнга топширган.

Тайван ороли блан Филиппин ороли ўртасида ҳаво йўли очилган. Бу трассада Америкадаги Ченнолт авиатранспорт компаниясининг аэропланларидан фойдаланилмоқда.

Мустамлакачи давлатлар қарши юриш тайёрламоқдалар

ЛОНДОН, 5 январь. (ТАСС). «Йоркшир пост» газетасининг дипломатия обзорчиси хабар берди: Яқин икки ҳафта ичида Парижда Африка қит'асида территориялари бўлган мустамлакачи давлатлар вакилларининг конференцияси бўлади. Шу конференциядан кейин доимий ташкилот тузилса керак. Бу ташкилотнинг секретариати бўлади.

Африкада коммунистларга

Франция бу конференцияга Англия, Бельгия, Португалияни, шунингдек Жанубий Африка Иттифоқини ва Жанубий Родезияни таклиф этган. Обзорчининг ёзишича, конференцияда «бу районда коммунизмга қарши кураш чоралари ҳам муҳокама қилинади».

МИСРДА ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ

ҚОҲИРА, 4 январь. (ТАСС). Кеча Мисрда депутатлар палатасига (Миср парламентининг қуйи палатасига) сайлов бўлди. Бирон номзод ҳам кўпчилик овоз олмаган сайлов округларида 10 январьда сайловнинг иккинчи давраси ўтказилади.

Депутатлар палатаси состави жам'и 319 депутатдан иборат бўлади. Лекин сайловда фақат 298 ўрин учун 981 номзод овозга қўйилди. (Мисрдаги сайлов низомига мувофиқ 21 депутат ўз сайлов округларида бошқа номзод кўрсатилмаганлиги учун сайланган деб ҳисобланади). Бир депутат ўрнига кўпчилик округларда 3 тадан, ба'зи округларда 6 тадан номзод кўрсатилган.

Мисрда 19 миллион аҳоли бўлса ҳам, сайловчилар сони 5 миллиондан ошмайди, чунки хотин-қизлар сайлов ҳуқуқидан фойдаланмайдилар.

Дастлабки ма'лумотларга кўра (ҳозирча сайловда берилган ҳамма овозлар санаб чиқилмаган), парламентда «Вафд» деб аталган та'сирли буржуя миллатчилар партияси энг кўп ўрин, 96 ўрин олган. Бу партия 1943 йилги сайловда қатнашмасдан бош тортган пайтдан бери оппозицияни бўлиб келган эди. Уша вақтдан бери «Вафд»нинг депутатлар палатасида ҳам, ҳукуматда ҳам вакиллари йўқ эди.

Ўтган беш йил давомида ҳокимият тепасида турган, Англия тарафдори бўлган саадчилар партияси дастлабки ма'лумотларга кўра 8 ўрин олган.

Ҳукумат коалициясига кирган буржуя либерал-конституцион партия ҳозирча 7 ўринга эга.

Ҳофиз Рамадан пошшо бошчилик қилган, ўзини «миллий партия» деб атаган ярим фашист миллатчилар партияси 6 ўрин олган. Бу партия саадчилар партияси ва либерал-конституцион партия блан бирга ҳукумат коалициясида қатнашиб келарди.

Дастлабки ма'лумотларга кўра мустақил номзодлар 10 ўрин олган.

Мисрда коммунистлар партияси ман' этилганлиги сабабли, компартия бу сайловда қатнашмади.

Матбуотда босилган хабарларга қараганда, сайлов вақтида йирик саноат марказларида полицияга ёрдам бериш учун ҳарбий қисмлар ажратилган. Сайлов олди кампанияси даврида ҳарбий ҳолат тўғрисида 1948 йилда чиқарилган ва ҳозиргача бекор қилинмаган қонун асосида тараққиёпаз овозларидаги арбоблардан 500 дан кўпроқ киши қамоққа олинган. «Куроль-яроғ қидириш» баҳонаси блан ялпи тинтув ўтказилган. 10 киши ўлдирилган. Сайлов кунида бирқанча жойларда тўқнашувлар бўлди. Бу тўқнашувлар вақтида яна 10 киши ўлди.

БИЛДИРИШ

Шу йил 7 январь, кеч соат 7 да, Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзининг адабиётчилар уйида ўзбек ёш ёзувчиларининг «Ўзбек совет адабиётининг 1949 йилдаги энг яхши намуналари» (Ғафур Ғуломнинг «Иосиф Сталин» одаси) ҳақида семинари бўлади. Докладчи М. Шайхзода.

Мас'ул муҳаррир:
Ш. РАШИДОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7 январьда кечқурун **Гулсара.**

«РОДИНА» — эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да янги рангдор фильм **XXXII Октябрь**, кундуз соат 3 ва кеч 5 да **Тақиқланган қўшиқлар**, кеч соат 7, 9 ва 10 яримда **Ҳинд мақбараси** (2-нчи серия).

«НАВОИЙ» (Беш'ёғоч) — кундуз **Қаҳрамоннинг укаси**, кечқурун **Тақиқланган қўшиқлар.**

«ИСКРА» — 1-нчи ва 2-нчи залда **Сталинград жанги** (2-нчи серия), 3-нчи залда **Оқариб кўринар ёлғиз елкан.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Оқ тиш**, кечқурун **Тақиқланган қўшиқлар.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз **Гўзал Василиса**, кечқурун **Тақиқланган қўшиқлар.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Юрий Дуровнинг** иштироки блан ҳар куни **катта цирк тамошалари.**

Қишки каникул кунлари — 10 январьгача арча байрами ўйинлари бўлади. 7, 9, 10 январьда тамошалар кундуз соат 3 ва кеч 9 да, 8 январьда тамошалар кундуз соат 12 ва 3, кеч 6 ва 9 да бошланади.

СССР Министрлар Советининг 1949 йил 21 ноябрьдаги 18540-р сон фармойиши ва СССР Енгил саноат министрининг 1949 йил 28 ноябрьдаги 1989 сон буйруғига биноан.

«Қизил тонг» тикув фабрикасининг

ИШЧИЛАР ТА'МИНОТИ БЎЛИМИ ТУГАТИЛАДИ

Да'волари бўлган ташкилотлар ва кишилар икки ҳафта ичида тугатиш комиссиясига билдиришлари лозим. Адрес: Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 21-нчи уй.

«ГЛАВКОНДИТЕР» МАГАЗИНИДА

Москва, Ленинград, Киев, Одесса ва Харьков фабрикалари ишлаб чиқарган

ҲАРХИЛ КОНДИТЕР МОЛЛАРИ

СОТИЛМОҚДА

Магазининг адреси: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 21-нчи уй.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МОЛИЯ БЎЛИМИ

СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 30 апрельда «Аҳолидан олинадиган даромад солиғи тўғрисида» деб чиқарган Фармонининг 30-нчи моддасига мувофиқ, Тошкент шаҳар молия органлари 1950 йилга бўладиган солиқни ҳисобга оладилар. Шу муносабат блан

Уй бошқармалари, бино комендантлари ва уй эгалари

район ижроия комитетлари белгилаган муддатда, лекин 1950 йил 15 январьдан кечикмай, тегишли район молия бўлимига

СОЛИҚ УЧЁТИНИНГ I-НЧИ ФОРМА КАРТОЧКАСИНИ ТОПШИРИШЛАРИ ЛОЗИМ.

Кустарь-ҳунармандчилик касбларидан, иморатларини ижарага беришдан, врачлар эса хусусий врачлик ишларидан ва ҳоказо

1949 йилда 600 сўмдан ошиқ даромадлари бўлган кишилар

1949 йилдаги даромадлари тўғрисида тегишли район молия бўлимига 1950 йилнинг 15 январигача

ДЕКЛАРАЦИЯ БЕРАДИЛАР.

Корхона, муассаса ва ташкилотлар солиқ учёти карточкаларидан ташқари, СССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 10 апрельдаги Фармонининг 12-нчи моддасига мувофиқ, шу йил ўзларидан тегишли

ИМОРАТ СОЛИҒИ ВА ЕР РЕНТАСИ ҲАҚИДА

район молия бўлимига 1 февральгача

РАСЧЁТ ТАҚДИМ ҚИЛАДИЛАР.

Солиқ учёти карточкаси, декларация, иморат солиғи ва ер рентаси расчёти бланкларини олиш учун тегишли район молия бўлимига мурожаат қилинсин.

Солиқ учёти карточкаси ва декларацияни, шунингдек иморат солиғи ва ер рентаси расчётини топширмаган ёки белгиланган муддатдан кечикиб топширган управдомлар, бино комендантлари, уй эгалари, бош ва старший бухгалтерлар ҳам бошқаларга жарима солинади.

Солиқ учёти карточкаси, декларация ҳамда иморат солиғи ва ер рентаси расчётига билиб туриб нотўғри ма'лумот ёзган кишилар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

«ГЛАВКИНОПРОКАТ»НИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ

Республика кинотеатрларида кўрсатиш учун

XXXII ОКТЯБРЬ

деган янги рангдор хроникали-ҳужжатли фильм чиқарди.

(Москвада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 32 йиллигининг байрам қилиниши тўғрисида).

Режиссёрлар — **И. Венжер, И. Сеткина.**

Ҳужжатли фильмлар Марказий студияси ишлаган.

«Главкинопрокат» 1949 йилда чиқарган.

Чувалачи кўчаси, Пензенский проезд, 15-нчи уйда туручи **Юсуф Мирзаахмедовнинг** шу уйда туручи Башор Ҳасановадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

Қорасув район, Охунбобоев номли 2-нчи колхозда туручи **Ёқуб Носировнинг** шу колхозда туручи Санобар Зуниновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Қорасув район, 1-нчи участка халқ судида кўрилади.

Самарқанд дарвоза кўчаси, Оломон тупик, 9-нчи уйда туручи **Саида Эшонхўжаеванинг** Тешабой Одиловдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область судида кўрилади.

ГОССТРАХ

ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ ОРГАНЛАРИ

УЙ МУЛКИНИ:

мебель, кийим, пойафзал, музика асбоблари, велосипед ва бошқаларни, шунингдек озиқ-овқат ва ёқилғи запасларини

ИХТИЁРИЙ ТАРТИБДА

СТРАХОВАНИЕ ҚИЛАДИЛАР.

Госстрах ёнғин, тошқин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлардан, шунингдек табиий офат юз берган вақтда ўғирланиши ва йўқолишидан кўрилган

ЗАРАРЛАРНИ ТЎЛАЙДИ.

Страхование шартномаларини ўз вақтида янгилаб турингиз!

Уй мулкини страхование қилдирингиз!

Страхование шартномалари тузиш учун Госстрах инспекцияларига ёки агентларига мурожаат қилингиз.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34155. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими—31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31635. Хатлар бўлими—32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.
«Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1263. Р. 00908.